O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 20 октябрь ШАНБА

№ 86 (11.993)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон – Туркманистон:

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни давлат ташрифи билан Туркманистонга келди.

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президентининг Ашхоболддаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар – Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч ва ҳурмат асосидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод саммити Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада (1996 йил), Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада (2004 йил) икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркманистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очиқдир.

Президентлар ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон ва Туркманистон учун янги имкониятлар очаётганини таъкидладилар. Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефть ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши табиий. Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркманистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида Каспий бўйлаб янги газ қувури барпо этиш ва Марказий Осиёдан Россияга нефть-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасида эришилган келишув муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қувури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириш имконини беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоявий ҳамкорликни назарда тутади. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизида қувур ўтган жойларда инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркманистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистон газининг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Ислом Каримов Ашхобод саммити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан яна бир далолат эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг энг ҳурматли ва энг фахрли меҳмони деб билишини, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашлари, кўрилган халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқинлигини қайд этди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг қатор соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида транзит юк ташишда ўзаро хизмат кўрсатишда амалий ҳамкорлик қарор топган. Мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннани ташкил қилади.

Аммо савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги имкониятлар тўлиқ ишга солинаяпти, деб бўлмайди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмайди. Ваҳоланки, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида ҳужжатлар имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топширишга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғланганлиги ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасида ҳам ўзаро келишувларга эришган.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Туркманистон Маданият ва телерадиоэшиттириш вазирлиги ўртасида 2010 йилгача мўлжалланган ҳукуматлараро маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Божхона қўмиталари ўртасида ахборот алмашувини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро протокол имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, бугун эришилган келишувлар келгусида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

– Музокараларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга келишиб олдик, – деди Ислом Каримов. – Имкониятларимиз таҳлили ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам улкан салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди.

– Биз ўзаро муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг яқин дўсти деб биламиз, – деди Гурбангули Бердимуҳаммедов. – Бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг қўламини кенгайтириб, унинг ривожига янги суръат бахш этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан "Руҳият" саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Туркманистон-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш, икки мамлакат халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримов "Ҳурматли эл ёшуллиси" унвони билан тақдирланганини эълон қилди ва мамлакатимиз раҳбарига уни тантанали равишда топширди.

Маросимда ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга давлат ташрифи кеча ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Ашхобод.



МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА – ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйида янги спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда республика Халқ таълими вазирлиги, ҳомий ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир муқаддимасида меҳмонлар замонавий услубда қурилган очиқ сузиш ҳавзаси, спорт майдонлари, қишки спорт зали, маданий-маърифий ҳамда ўқув-машғулот хоналари билан танишдилар.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокидаги "Нептун" байрами дастури, футбол, волейбол, баскетбол мусобақалари, шунингдек, ёш гимнастикачиларнинг кўргазмали машқлари тадбир иштирокчиларида илиқ таассуротлар қолдирди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз ғамхўрлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли баркамол авлодни тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришда қувонарли ютуқларга эришилаётганини таъкидладилар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳомийлигида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ барпо этилган янги спорт мажмуида тарбияланувчилар энди ўндан зиёд спорт тури билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳомийлар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кийим-кечак, спорт анжомлари совға қилишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова сўзга чиқди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



СУРАТЛАРДА:
тадбирдан лавҳалар.

УЙ ШАРОИТИДА ТИББИЙ ЁРДАМ

Янгиобод шаҳарчаси аҳолиси замонавий шифохонага эга бўлди.

Даволаш-профилактика йўналишида муолажалар олиб боришга ихтисослаштирилган бу шифохона энг янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни вақтда шифохонага «Тез ёрдам» машинаси ҳам ажратилди. Бу эса беморларга уй шароитида ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берди.

Янги саломатлик маскани фаолиятини бундай намунали йўлга қўйишга касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бош-қош бўлди. Эндиликда кенгаш томонидан оталиққа олинган бу шифохонада яна иккита бўлим очиш тараддуди кўрилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

21 октябрь – "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кун

ЭНГ БОЙ, ЭНГ МАЪНОЛИ

Йўловчи машинага чиқаётиб, орқа ўриндиқдаги уч йигитга бехитиёр назар ташладим. Бири рус, икки корейс йигитлари қўлларини кўксиларига қўйиб, бараварига соф ўзбек тилида салом беришди.

Автобус тезликни ошириб, Олмалиқ – Тошкент катта йўлига чиқиб олди. Шундоққина эшик ёнида ўтирганимча, йўлдошларнинг суҳбатларини беихтиёр тинглаб кетдим. Улар ўзбек тилида суҳбатлашиб боришарди.

(Давоми 2-бетда).

ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши она тилимиз мавқеининг ошиши ва равнақ топиши, янада такомиллашуви учун кенг имкониятлар яратди. Зеро, миллатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланмиш унинг миллий тили тан олинди, унга Давлат тили мақоми берилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасида тил байрамига бағишлаб ўтказилган анжуманда бу борада амалга оширилаётган вазифалар, миллий кадрларни тайёрлашда давлат тили ва унинг хусусиятлари, тил – бебаҳо бойлик каби масалалар хусусида атрофлича сўз борди. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг тил ва адабиёт таълими кафедраси ҳамкорлигида ўтган бу анжуманда шаҳар ва туманларнинг халқ таълими бўлимлари услубчилари ҳамда умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этишди.

Саид ҲАСАНОВ.

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида "Тил, маънавият ва тараққиёт" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ёш авлод тарбияси, маънавияти ва камолотида она тилимизга бўлган муносабат алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Тилга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни шакллантиришда ёшларнинг нутқий маданиятини юксалтириш, ўқув дарсликларида тил маданияти тарғиботини янада кенгроқ йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Обуна – 2008

СИЗ ҲАМ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Айни кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида марказий ҳамда маҳаллий даврий матбуот нашрларига 2008 йил учун обуна тўплами мавсуми давом этмоқда.

Зангиота тумани Эшонгузар шаҳарчасидаги Маданият маҳалласи аҳолисининг узоқ йиллик яхши бир анъанаси бор. Хусусан, фаоллар бамаслаҳат иш кўриб, ҳудуддаги нуроний отахону онахонлар ҳамда узоқ йиллар маҳалланинг ташкилий ишларига меҳнати сингган кишилар учун газета ва журналларга бир йиллик обуна уюштиришни йўлга қўйишган. Бу йил ҳам бу анъанани бошлаб юборишди.

— Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш идораларининг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Файзиев. — Ижтимоий ҳаётимиз ва азалий қадриятларимизнинг кўзгуси бўлган маҳаллалар фаолиятида халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлари ёрқин намоён бўлмоқда.

Фаоллар хусусида сўз юритадиган бўлсак, уларнинг ҳар жиҳатдан етакчилиги муҳим аҳамиятга эга. У маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётига бугунги кун руҳини сингдира олмас экан, бу жойда ташкилотчилик ҳам, ижтимоий фаоллашув ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳар йили маҳалладаги барча тадбирларда ўзларининг қимматли маслаҳатлари, ҳаёт тажрибалари билан йўл кўрсатиб келувчи кекса фаолларимизга марказий, вилоят ҳамда туман газеталарига йиллик обунани ташкиллаштирамиз. Фаолларимиздан пенсионер Хошим Раҳматовга вилоят ижтимоий-сиёсий нашри – «Тошкент ҳақиқати» газетасига йиллик обунани расмийлаштириб қўйдик. Келгусида ҳам бу ишларга ҳудудимиздаги хусусий иссиқхона ва ўнга яқин турли ишлаб чиқариш корхоналари баҳолиқудрат ўз ҳиссаларини қўшишмоқчи. Кексаларимиздан Ёқуб Туробов, Суннат Қодиров, Дўма Муллажонов бу ишларга бош-қош бўлмоқдалар.

Дарҳақиқат, тумандаги Маданият маҳалласи аҳолисининг бу анъанаси ҳар жиҳатдан ибратли. Зеро, матбуот – давр кўзгуси дейилганидек, тезкор воқеликлардан доимо бохабар бўлиб бориш барчамиз учун муҳимдир.

Сиз ҳам даврий матбуот нашрларига ўз вақтида обуна бўлаяпсизми, азиз газетхон?!

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА:
Маданият маҳалласи фаоллари «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳар бир сонидан бохабар бўлиб борадилар.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЯШИЛ МАЙДОНДА ИЖОДКОРЛАР

Ўзбекистон футбол федерациясида "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари соврини учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган журналистлар ўртасидаги 3-анъанавий мини-футбол бўйича турнирнинг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унинг натижаларига қўра, 22-28 октябрь кунлари Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида ўн саккиз жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритади. Бу йилги турнирда «Тошкент ҳақиқати» жамоаси "Маърифат", "Ватанпарвар" ҳамда "Машъал-Садо" таҳририятлари ижодкорлари билан майдонда тўп сурадилар.

Мусобақанинг очилиш маросими 22 октябрь куни бўлса, 28 октябрда турнир голиби аниқланади.

21 октябрь – "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кун

ЭНГ БОЙ, ЭНГ МАЪНОЛИ

– Диплом ишимни якунлаяпман, – деди ўртада ўтирган корейс йигити. – Биласиз, уни Давлат тили ўқитувчимиз Мавлуда Ҳасановнанинг маслаҳати билан ўзбек тили грамматикасининг ҳозирги ривожи масаласига бағишладим.

– Коллежда устозимизнинг сабоқларини дуруст олган эканмиз, – деди рус йигити. – Москва давлат университетига стажировкага борганимда, у ерда ўзбек тилини ўрганаётган талабалар билан бир ой машғулот ўтказдим...

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг 18 йиллиги арафасида ушбу мақолани ёзишга тайёрланаётиб, Олмалиқ – Тошкент автобусида учратганим ўша уч йигитнинг ўзаро суҳбатларини эсладим. Лицей, коллеж ва мактабларда бўлганимда кузатган ҳолатларим ёдимга тушди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш кучайди.

Тўғри, ўқитиш рус тилида олиб борилаётган мактабларда ўзбек тили ва адабиёти дарслари илгарилари ҳам машғулотлар дастурига киритиларди. Лекин, уларга эътибор шунчалик эдики, русийзабон бирон ўқувчи ўрта мактабни битираётганида ўзбек тилида на ёзишни, на ўқишни уддалай оларди.

Эндиликда аҳвол мутлақо ўзгарди. Буни, аввало, давлат тили ўқитувчиларининг нуфузи беқиёс кўтарилганидан, дарс машғулотларида компьютерлар ва бошқа замонавий воситалардан оқилона фойдаланаётганидан ҳам кўриш мумкин. Шу жиҳатлар ўқувчилар тилни бирмунча пухта ўрганишларида қўл келаётир.

Давлат тили ҳақидаги Қонун жамиятда тубли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар палласи бошланаётган кезлари – 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинди. Унинг биринчи моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ўзбек тилидир", – дейилган. Табиийки, дарҳол фуқаролар бу тилни ўрганиши билан боғлиқ муаммолар туғилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилди. Корхоналар, ташкилот ва идораларда курслар ташкил этилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тилларига иззат-хурмат билан муносабатда бўлинди, уларнинг тенг ривожланиши учун ҳам барча қулайликлар туғдирилди. Ўқув машғулотлари миллий тилларда олиб борилаётган мактаблар кўпайди, улар учун дарслик ва қўлланмалар чоп этишга киришилди.

Давр ўтиши билан давлат тили тўғрисидаги Қонунга ҳам айрим ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилди. Ниҳоят, 1995 йилнинг 21 декабрида "Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан уни амалга оширишнинг давлат дастури ишлаб чиқилиб, 1996 йил 10 сентябрда тасдиқланди.

Бугун мамлакатимизда катта-кичик йиғилишлар давлат тилида ўтаётир. Гоҳида

минбарга чиққан бошқа миллатлар намоёндалари ҳам соф ўзбек тилида сўзлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини эминэркин баён этишаётгани тилимиз учун ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Тил – миллат кўзгуси, диллар калити. Халқимизда бир мақол бор: "Тил билган – эл билади". Мустақил Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат намоёндалари бугун қайта тикланаётган она тиллари билан бирга ўзбек тилини ҳам ўрганаётирлар. Тил шу тариқа халқларни қовуштираётир, ҳаммамиз учун ягона Ватан – Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда якдиллигимизга асос бўлмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЙИГИТЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

Айни кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 29 августда қабул қилинган тегишли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари йиғин пунктларида тиббий кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтган чақирув ёшидаги йигитлар муддатли ҳарбий хизматга кузатилмоқда.

Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда ҳарбийлар, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ёшларимизнинг миллий армиямизга, ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқишини янада ошираётганини таъкидлаб, бўлажак Ватан ҳимоячиларига оқ йўл тиладилар.

– Бугун мен учун унутилмас кун, – дейди Юқоричирчиқ туман мудофаа ишлари бўлимидан чақирилган Дилшод Ўроқов. – Орзуим ушалди. Энди бор куч-ғайратим билан Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишга, отаонам, маҳаллам аҳли ва устозларим билдирган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

ЕТТИНЧИ СИМПОЗИУМ

Ўзбекистон Фанлар академиясида табиий моддалар кимёсининг долзарб масалаларига бағишланган еттинчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Европа ва Осиё қитъаси мамлакатлари ҳамда МДҲ республикаларидан олтмишга яқин вакил иштирок этди.

Кейинги йилларда бу борада самарали илмий изланишлар олиб борилаётир. Илмий тадқиқотлар натижасида яратилган янги моддалар – аллапинин ва жистендан нафақат мамлакатимиз, балки тараққий этган хорижий мамлакатларнинг етакчи саноат корхоналарида самарали фойдаланилаётир. Францияннинг "Латоксан" ва дунёга машҳур "Кристиан диор" фирмаси ана шундай ҳамкорлардан биридир.

Уч кун давом этган анжуманда ўсимликлардан юқори самарали кимёвий ва биологик моддалар олиш, яшил бойлигимизни муҳофаза қилиш, илм-фан ютуқларидан амалда оқилона фойдаланиш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

Фармон ва ижро

ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Республика Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонлари ижросини таъминлаш, хусусан, вилоятдаги ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, истиқлол йилларида қад кўтарган қадамжолар билан таништириш, миллий қадриятларимизни асрабавайлаш кўникмаларини шакллантириш борасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Рамазон Ҳайити муносабати билан кам таъминланган оилалардаги 50 жуфт келин-куёв учун Бўстонлиқ туманидаги «Металлург» дам олиш сиҳатгоҳида «Оила – жамият таянчи» мавзусида тадбир ташкил этилди.

– Ёш келин-куёвлар учун ўтказилган бундай қизиқарли тадбирда иштирок этганлигимиздан биз ҳам, ота-оналаримиз ҳам жуда хурсандмиз, – дейди Тошкент туманилик ёш келин-куёв – Ҳилола ва Шоаҳмад Усмоновлар. – Айниқса, таниқли олима Жамила Шермуҳамедованинг эр-хотин, қайнонакелин умуман, оилавий муносабатлар ҳақидаги суҳбатлари бизга манзур бўлди ва ўзимиз учун кўпгина хулосалар чиқардик. Ўйлаймизки, бундай қизиқарли тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

– Шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятимизда 14 минг 171 та никоҳ қайд этилди, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. – Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ажримларнинг олдини олиш, тўй-ҳашам ҳамда маърака маросимларини ихчамлаштириш ва тартибга солиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу мақсадда бир қатор тадбирлар ташкил этдик. 50 жуфт ёшларимиз Бўстонлиқда уч кун мобайнида дам олишган бўлса, вилоят адлия бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда 150 жуфт ёш оилалар вакиллари учун ибратли тадбирлар ташкил этилди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар қачон, кимга ва қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим?

Ҳикматжон МЎМИНОВ, Зангиота тумани.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар...

(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24¹-моддаси).

– Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши учун қай тартибда рўйхатга олинади?

Ўктамхон ҚОБИЛОВА, Ғазалкент.

– ...Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

...Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади: сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат; сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

...Кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳининг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради...

(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 ва 24¹-моддалари).

ЧИҚИНДИДАН ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик бирлашмасида тайёрланаётган картон ва гофрокартон идишлари чиқиндисидан толали плиталар, гигиена қоғозлари каби кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Шу мақсадда бир қатор ёрдамчи цехлар фаолият юритмоқда, – дейди бирлашма бошқаруви кенгаши раиси Шевкет Осмонов. – Жумладан, гигиена қоғозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех Хитой технологияси асосида янги ускуналар билан жиҳозлангач, унумдорлик 2,5 баравар ошди. Айни вақтда иш 3 сменада ташкил этилиб, меҳнат шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сифатли маҳсулотга ҳамма жойда харидор топилади. Ойига 2 миллион донадан зиёд гигиена қоғозлари ишлаб чиқарилаётган цехнинг 75 фоиз маҳсулоти Тожикистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Худди шундай харидоргир қурилиш материалларидан ҳисобланган турли ҳажмдаги толали плиталарнинг маълум миқдори ҳам асосий маҳсулотлар қатори чет давлатларга сотилмоқда. Бундай изланишлар корхонада йилдан йилга экспорт ҳажмининг ошиб боришига имкон яратаётир.

Йилнинг ўтган 9 ойи якунларига назар ташлайдиган бўлсак, хорижий давлатларга жами 810 минг АҚШ долларилик маҳсулот жўнатилганлигини кўрамиз.

Изланишларга яраша бу ерда иш шароитлари ҳам янгича. Ходимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 480 минг сўмга етди. Дам олиш ва соғломлаштириш масканлари йил бўйи ишчи-хизматчилар ихтиёрида. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бирлашма бошқаруви кенгаши жамоа аъзолари ва шаҳар аҳолиси манфаатларини кўзлаб кўп хайрли ишларни амалга оширяпти.

Бирлашма жойлашган ҳудуд – Гулбоғ маҳалласининг қуйи қисми корхона кўмагида тоза ичимлик суви билан таъминланди. Маҳалланинг ички йўллари қайта асфальтланди. Куз-қиш мавсумига алоҳида тайёргарлик кўрилди.

Саранжом-саришта корхонада ободончилик ишлари доимий эътиборда. Цехлар ва хизмат бўлимлари ўртасида ташкил этилган анъанавий танлов якунлари йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилиб, ғолиб жамоалар бошқарув кенгаши қарори билан 150-300 минг сўм миқдорида пул мукофотлари билан рағбатлантириб борилади.

Корхона 2005 йилда «Экосан» халқаро ташкилотининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Бу бежиз эмас. Зеро, обод юрт одамлари доимо бунёдкорликка, фаровонликка интилиб яшайди.

Мунира РАЖАББОЕВА.

СУРАТДА:

– Маҳсулотларимизга харидор бўлинг, – дейишади бирлашма ишчилари.

Муаллиф олган сурат.

Ўртачирчиқ тумани маркази аҳолиси янги коммутация марказига эга бўлди.

ТЎЙТЕПАДА КОММУТАЦИЯ МАРКАЗИ

«Седма-450» андозасидаги бу алоқа тармоғи «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш инвестиция лойиҳаси асосида юзага келди.

Зеро, Тўйтепа коммутация марказининг имконияти катта бўлиб, сифатли телефон алоқаси ва юқори тезликдаги интернет билан таъминлашда қўл келади.

Лизинг асосидаги ушбу лойиҳани «Ўзбектелеком» компаниясининг «Ўзбектелеком Мобайл» филиали амалга оширмоқда.

Акром АКБАРОВ.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Тошкентда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини метрологик таъминлаш – алоқа хизматлари сифатини оширишнинг асосий йўлларидан бири" мавзуида халқаро илмий-техник семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Москва алоқа ва информатика техника университети томонидан ташкил этилди.

Семинарда мамлакатимиз ва хорижий илмий ташкилотлар, метрологик таъминот ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги компаниялар ва ишлаб чиқарувчи фирмалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад республикамиз ва бошқа мамлакатларда метрологлар ҳамда метрология хизматлари мутахассислари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги истиқболли муносабатларни ўрнатиш ҳамда кенгайтиришдан иборат.

Ялпи йиғилишларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчаш бирлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш йўллари, сифат менежменти тизимини жорий этиш, мутахассисларни тайёрлаш учун виртуал ўлчов приборларини қўллаш, янги авлод тармоқларига ўтиш шароитида телекоммуникация соҳасини метрологик таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот-коммуникация технологияларининг ўлчов воситаларини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

ЎзА.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди



«Қурилиш, қурилиш техникаси, қурилиш материаллари – Expo Construction 2007» тўртинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини якунлади. «ZarExpo» компанияси ташкил этган мазкур тадбирга пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси мезбонлик қилди. Республика арихитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Shosh Invest Group» компаниялари гуруҳи кўргазмани ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда яқиндан ҳамкорлик қилишди.

Мазкур кўргазма қурилиш техникаси, интерьер дизайни, сантехника жиҳозлари, электротехника ашёлари, ойнага ишлов бериш анжомлари ва технологияси, бўёқлар, керамика, лак, тош буюмлар каби қатор бўлимлардан иборат бўлди. Ташриф буюрувчилар диққатига Ўзбекистон, Германия, Россия, Швеция, Украина, Туркия, Швейцария, Польша ва бошқа давлатларнинг 50 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютер компанияларининг маҳсулот ва хизматлари намойиш этилди. Экспозициянинг аксарият қатнашчилари «ExpoConstruction» кўргазмасида доимий ўринга эга компаниялардир.

Кўргазманинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, унда Юқоричирчиқ туманида фаолият юритувчи «Техноинвест – СТ» хорижий корхонаси ҳам иштирок этди. Ушбу корхона «Steinert Industries GmbHSCo. KG» немис компаниясининг негизида бундан 3 йил олдин ташкил этилган. Унинг асосий иш фаолияти ойналарни сайқаллаб, мураккаб усулда қайта ишлашдир. 150 миллиметргача бўлган қалинликдаги исталган қурилиш материалини турли шаклда қирқиш, мустаҳкам ва хавфсиз, шовқин ўтказмайдиган ойна маҳсулотларини ишлаб чиқариш, буюртма асосида Европа талабларига жавоб берувчи мебель жиҳозларини тайёрлаш, фьлозинг ҳамда металл маҳсулотларини қайта ишлаш каби хизматлар айнан шу «Техноинвест – СТ» томонидан тақдим этилди.

Ўтган йили корхона жамоаси 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи ичида бу кўрсаткич 900 миллион сўмга чиқди. Бундай натижаларга эришишда 100 га яқин ишчи-ходимнинг маҳорати муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Бу кўргазмада иккинчи марта қатнашишга муваффақ бўлдик, – деди корхонанинг менежер маслаҳатчиси Карим Исмогулов. – Унинг навбатдагиси олдингилари каби биз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, кўргазма корхонамиз савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларнинг кириб келишига, қолаверса, инвестицияларнинг жалб этилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, кўргазмада «Техноинвест – СТ» корхонаси ташкил этган стенд йиғилганлар томонидан юқори баҳоланди.

Хуршида НАЗАРОВА. «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Маданият

ҚЎШИҚ МИЛЛАТ ТАНЛАМАС

Юракдан сизиб чиққан қўшиқ, дил ноласи ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмаса керак. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ва «Asia Indhurans» ҳомийлик суғурта компанияси ташаббуси билан уюштирилган катта концерт барча миллат вакилларига, болажонларга катта қувонч бағишлади.

Россия эстрадаси юлдузи, ёшларнинг севимли қўшиқчиси Юра Шатунов «Халқлар дўстлиги» саройида Тошкент шаҳри ва вилоятлар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Ласковый май», «Розовый вечер» каби машҳур қўшиқлари ҳам киритилган янги концерт дастурини армуғон этди.

Унинг юқорида қайд этилган қўшиқларини ҳақиқатан ҳам деярли йигирма йилдан буён болалар ёддан айтиб келишади. Аслида, Ю. Шатунов Оренбургдаги мактаб-интернатда ўқиб юрган кезларидаёқ қўшиққа меҳр қўйган, жарангдор, ширали овози барчага хуш ёқарди. Тинимсиз меҳнат, қатъият, ишонч туфайли эл назарига тушди.

– Юра Шатуновнинг чиқишларини ҳаяжон билан кузатдик, – дейди Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбиячиси Гулнора Сарварова. – Хонанданинг тақдири, санъатдаги ютуқлари болаларга ўрнак бўлса арзийди. Инсон ўз мақсадига эришиш учун астойдил ҳаракат қилса, албатта орзулари рўёбга чиқади.



СУРАТЛАРДА:

Юра Шатунов ҳамда уни мароқ билан тинглаётган болалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 22

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияниинг ёввойи табиати».
9.15 «Болалар дунёси». «Мушук ва сичқон саргузаштлари». М/с.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00, 14.00, 17.00, 17.15, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дийрим табиати».
13.05 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.20, 15.40 «Топталган туйғу». Спектакль.
15.35, 17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.20 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00, 23.15 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
20.05 «ТВ шифокор».
21.40 «Оқ халатдаги қора доғлар».
22.00 «Кўнгил риштаси». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

18.00 "Даврнинг боласи".
18.10 "Қувноқ дўмбоқчалар". Мультсериал.
18.20 "Болалар табассуми".
18.25 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
18.30 "Матонат".
18.45 "UzEX хабарлари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!"
18.55 "Телетуҳфа".
19.00, 22.00 "Давр".
19.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
20.05 "Мусиқий лаҳза".
20.10 "Спортлото".
20.20 "UzEX хабарлари".
20.30 "Олов билан юзма-юз".
20.50 "Ишкомли уй". Т/с.
21.35 "SMS-мусиқа".
21.55 "Қомусим!"
22.30 "Мулки мумтоз".
22.50 "Қақнус". Т/с.

TOSHKENT

17.55 М/ф «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.35 Кино «Ва-банк».

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Талқин".
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Версия".
10.30 "Регенерация". Д/ф.
11.25 - 12.10 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины.
18.00 Болалар спорти.
18.20 "Тет-а-тет".
18.30 "Хабарлар"
18.50 "Мусиқий тайм".
19.10 "Жди меня".
20.00 "На пути к сердцу". Сериал.
20.50 "Спортимиз маликалари".
21.10 Футбол шарҳи.
21.30 "Хабарлар"
21.50 Детектив на экране: "Мегрэ и дом судьи". Художественный фильм.
23.25 ПрофРИНГ.
00.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

СЕШАНБА 23

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55, 17.10 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияниинг ёввойи табиати».
9.15 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Мушук ва сичқон саргузаштлари». М/с.
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси». Т/с.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 «Заковат».
16.05 «Бир кун».
16.30 «Ҳаёт манзаралари».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.20 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
18.00, 23.10 «Талваса». Видеофильм.
18.35 «Агар Сиз»
19.00 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 "Янги тонг".
8.00, 18.00 "Даврнинг боласи".
8.10 "Олти жаҳонгашта". Фильм-эртак.
9.15 "Аждодлар хазинаси".
9.20 "Камолот" хабарлари.
9.30, 19.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10 "Интерфутбол".
11.40 "Чемпион сирлари".
12.00, 22.50 "Қақнус". Т/с.
12.55 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00, 20.50 "Ишкомли уй". Т/с.
14.40 "Тасвир ва таассурот".
15.00 "Янги кун".
15.50 "Тафаккур нури".
15.55 "Ўзбекистон вақти".
16.10 "Пуаро". Т/с.
17.00 "Мўъжизавий дунё".
17.50 "Истиқбол тимсоллари".
18.10 "Қувноқ дўмбоқчалар".
18.20 "Болалар табассуми".
18.25 "Yoshlar" анкетаси.
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!"
18.55 "Телетуҳфа".
20.05 "Мусиқий лаҳза".
20.10 "JOKER" телелотереяси.
20.20 "Автопатруль".
20.40 "Ёшлик - бу".
21.35 "SMS-мусиқа".
21.55 "Қомусим!"
22.30 "Мулки мумтоз".

TOSHKENT

7 30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Эгизаклар». Т/с.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.35 «Аёл қалби».
9.50, 18.25 «Биласизми?».
9.55, 19.25 «Мусиқа SMS».
10.20, 21.45 «Ўйларим».
10.30 «Будьте здоровы».
10.40 «Интервью».
10.50 «Всё о туризме».
11.30, 13.15 Кино «Ва-банк».
17.55 М/ф «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Гуллар жозибаси».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.25 Кино «Ва-банк 2».

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар"
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар"
10.20 "Эйнштейн". Сериал.
11.15 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 - 12.35 Регби. Кубок мира. Финал.
18.00 "Мир детского спорта".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар"
18.50 "Путешествия натуралиста".
19.15 Каратэ.
19.40 Футбол. Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 "На пути к сердцу". Сериал.
20.50 Белбоғли кураш.
21.30 Футбол Чемпионлар Лигаси. ЦСКА - "Интер". Италия.
23.20 Футбол мундиал.
23.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. "Динамо" (Киев) - "Манчестер Юнайтед".
1.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЧОРШАНБА 24

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияниинг ёввойи табиати».
9.15 «Бизнинг кутубхона». «Мушук ва сичқон саргузаштлари». М/с.
10.00 «Интилганга толе ёр».
10.20 «Агар Сиз»
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55, 20.50 «ТВ шифокор».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дўппи».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси». Т/с.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Шахсий фикр».
15.45 «Дунё манзаралари».
16.10 «Олов – тилсиз ёв».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00, 23.10 «Талваса». Видеофильм.
18.40 «Мардлар мактаби».
19.00 «Ҳаёт манзаралари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.40 «Одамлардан бири».
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

7.00 "Янги тонг".
8.00, 18.00 "Даврнинг боласи".
8.10 "Финист - сарлочин". Фильм-эртак.
9.25 "Аждодлар хазинаси".
9.30, 19.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10, 20.20 "Автопатруль".
10.30 "KINOMANIYA".
11.00 "Матонат".
11.15 "Олов билан юзма-юз".
11.30 "Истиқбол тимсоллари".
11.40, 21.35 "SMS-мусиқа".
12.00, 22.50 "Қақнус". Т/с.
12.55 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00, 20.50 "Ишкомли уй". Т/с.
14.40 "Тасвир ва таассурот".
15.00 "Янги кун".
15.50 "Тафаккур нури".
15.55 "Ўзбекистон вақти".
16.10 "Пуаро". Т/с.
17.00 "Мўъжизавий дунё".
17.50 "Хеч нима ҳақида битиклар".
18.10 "Қувноқ дўмбоқчалар".
18.20 "Болалар табассуми".
18.25 "Yoshlar" анкетаси.
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!"
18.55 "Телетуҳфа".
20.05 "Мусиқий лаҳза".
20.10 "Спортлото".
20.40 "Ёшлик - бу".
21.55 "Қомусим!"
22.30 "Мулки мумтоз".

TOSHKENT

7 30 «Салом, Тошкент!».
8.35 «Эгизаклар». Т/с.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 10.35, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.35 «Химоя».
9.45, 18.25 «Биласизми?».
9.50, 19.25 Музыка SMS.
10.15, 21.45 «Ўйларим».
10.25 «Репортаж».
10.45, 12.20 Кино «Ва-банк 2».
17.55 М/ф «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.30, 21.30, 22.30, 20.00 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Т/с.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.55 Кино «Престиж».

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар"
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар"
10.20 "Эйнштейн" (Сериал).
11.15 Кураш.
11.45 Плавание. Этап Кубка мира.
12.25- 13.10 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Тет-а-тет".
18.30 "Хабарлар"
18.50 "Мусиқий тайм".
19.10 Каратэ.
19.35 "Стенка на стенку".
20.00 "На пути к сердцу".
20.50 Белбоғли кураш.
21.30 "Хабарлар"
21.50 Наше кино: "Охота для настоящих мужчин".
23.05"Современная миниатюра". Д/ф.
23.25 "Гейм- Сет - Матч".
23.40 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси. "Милан" - "Шахтёр" (Украина).

ПАЙШАНБА 25

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияниинг ёввойи табиати».
9.15 «Цирк, цирк, цирк». «Мушук ва сичқон саргузаштлари». М/с.
9.50 «Мардлар мактаби».
10.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
11.20 «Кўза». Бадиий фильм.
13.00, 22.40 «Кўнгил риштаси». Т/с.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.00 «Бир ўлка-ки».
16.40 «Имконият».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртаклар яхшиликка етаклар».
18.00, 23.45 «Талваса». Видеофильм.
18.50 «Одами эрсанг».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.40 «Осойишталик посбонлари».
23.35 «Кўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

7.00 "Янги тонг".
8.00, 18.00 "Даврнинг боласи".
8.10 "Алоуддиннинг сеҳрли чироғи". Фильм-эртак.
9.25 "Аждодлар хазинаси".
9.30, 19.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10 "Автопатруль".
10.30 "ВАТАНПАРВАР".
11.30 "Таълим ва тараққиёт".
11.45, 20.10 "SMS-мусиқа".
12.00 "Қақнус". Т/с.
12.55 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00, 20.50 "Ишкомли уй". Т/с.
14.40 "Тасвир ва таассурот".
15.00 "Янги кун".
15.50 "Тафаккур нури".
15.55 "Ўзбекистон вақти".
16.10 "Пуаро". Т/с.
17.00 "Мўъжизавий дунё".
17.50 "Муруввat".
18.10 "Қувноқ дўмбоқчалар".
18.20 "Болалар табассуми".
18.25 "Yoshlar" анкетаси.
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!"
18.55 "Телетуҳфа".
20.05 "Ватаним".
20.40 "Ёшлик - бу".
21.35 "KINOMANIYA".
21.55 "Қомусим!".
22.30 "Мулки мумтоз".
22.50 Х/ф "Ҳақиқий эркаклар ови".

TOSHKENT

7 30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камила». Т/с.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 10.50, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.35 «Муқаддас қадамжолар».
9.45, 18.25 «Биласизми?».
9.50, 19.25 «Музыка SMS».
10.15, 21.45 «Ўйларим».
10.25 «Эртамиз эгалари».
10.40, 20.50 «Интервью».
11.00, 13.05 Кино «Престиж».
17.55 М/ф «Қундуз амакининг ҳикоялари».
18.30, 21.30, 20.00, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревью».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
21.00 «Жозиба».
22.10 «Мафтункор кабутарлар».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.45 Кино «Миф».

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар"
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар"
10.20 "Эйнштейн" (Сериал).
11.15 Кураш.
11.45 Плавание.
12.25 -13.10 Футбол.
18.00 "Мир детского спорта".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар"
18.50 "Жасорат".
19.10 Каратэ.
19.40 "Спорт - менинг ҳаётим".
20.00 "На пути к сердцу".
20.50 "Учрашув".
21.30 "Хабарлар"
21.50 Футбол. Европа чемпионлар Лигаси.
23.25 Смешное кино: "Розовая пантера". Художественный фильм.
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЖУМА 26

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияниинг ёввойи табиати».
9.15 «Мушук ва сичқон саргузаштлари». М/с.
9.45 «Жондан азиз». Видеофильм.
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миниатюра ранг тасвири».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси». Т/с.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.15 «Оҳанрабо».
16.00 «Қишлоқ ҳаёти».
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.40 «Тарих кўзгуси».
17.20 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили». «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
18.00, 23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
18.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
21.40 «Янги наволар».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

7.00 "Янги тонг".
8.00, 18.00 "Даврнинг боласи".
8.10 "Кулол ва хумча". Фильм-эртак.
9.25 "Аждодлар хазинаси".
9.30, 19.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10 "Интерфутбол".
11.40, 20.20 "SMS-мусиқа".
12.00, 22.50 "Қақнус". Т/с.
12.55 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00, 20.50 "Ишкомли уй". Т/с.
14.40 "Тасвир ва таассурот".
15.00 "Янги кун".
15.50 "Тафаккур нури".
15.55 "Ўзбекистон вақти".
16.10 "Пуаро". Т/с.
17.00 "Мўъжизавий дунё". .
17.50 "Ватаним!".
17.55 "Улуғ неъмат".
18.10 "Қувноқ дўмбоқчалар".
18.20 "Болалар табассуми".
18.25 "Yoshlar" анкетаси.
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!".
18.55 "Телетуҳфа".
20.05 "Мусиқий лаҳза".
20.10 "Спортлото".
20.40 "Ёшлик - бу".
21.35 "Парламент вақти".
21.55 "Қомусим!".
22.30 "Мулки мумтоз".

TOSHKENT

7 30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камила». Т/с.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 10.35, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.35, 18.25 «Биласизми?».
9.40, 19.25 Музыка SMS.
10.05, 21.45 «Ўйларим».
10.15 «Интервью».
10.25 «Экономическое ревью».
10.45, 12.40 Кино «Миф».
17.55 «Афиша».
18.30, 22.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.15 Кино «Громобой».

SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар"
8.20 "Мультфильм".
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар"
10.20 "Эйнштейн" (Сериал).
11.15 "Спорт салтанати".
11.35 Настольный теннис. Суперкубок Европы.
12.15 - 13.00 Германия чемпионати шарҳи.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.55 "Поле чудес".
20.00 "На пути к сердцу" (Сериал).
20.50 "Рондо". Ток шоу.
21.30 "Хабарлар" (узб тилида)
21.50 "Новая экономика".
22.10 "Ледниковый период".
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ШАНБА 27

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 13.55 «Олтин мерос».
8.50 «Болалар дунёси».
9.10 «Шифокор қабулида».
9.40 «Мусиқа дунёси».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Чинсен». «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.00 «Кўнгил риштаси». Т/с.
14.20 «Бекат».
14.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
16.15 «Ҳаёт манзаралари».
16.25 «Шўрданак».
17.00 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
20.50 «ТВ шифокор».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «Кинотақдим».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
22.35 «Катта». Бадиий фильм.

YOSHLAR

7.00 "Янги тонг".
8.00 "Даврнинг боласи" ахборот дастури.
8.10 "Еттинчи жин". Фильм-эртак.
9.10 "Айланай"
9.30 "Айро тақдирлар". Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10 "Муруввat".
10.20 "Уч мушкетёр".
11.20 "Ёш оилалар – давлат ҳимоясида".
11.40 "SMS-мусиқа".
12.00 "Қақнус". Т/с.
12.55 "Тошкент - 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00, 21.10 "Ишкомли уй". Т/с.
14.40 "Тасвир ва таассурот".
15.00 "Янги кун".
15.50 "Тафаккур нури".
15.55 "Ўзбекистон вақти".
16.10 "Парламент вақти".
16.30 "Совға".
17.10 "Меъёр -соғлиқ гарови".
17.30 "Радиодан кўрсатамиз!".
17.40 "Чемпион сирлари".
18.00 "Камолот" хабарлари.
18.10 "Сиз билган ва билмаган Малайзия".
18.30 "Каталог". Тижорат дастури.
18.40 "Ёшлик наволари".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!".
18.55 "Телетуҳфа".
19.30 "Дунё таомлари".
19.50 "Дилроз".
20.15 "Yoshlar" анкетаси.
20.20 "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури".
21.00 "Ёшлик – бу".
21.55 Қомусим!".
22.30 "Шимол жангчиси".

TOSHKENT

7 30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камила». Т/с.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 11.40, 19.20 «ТВ юрист».
9.30 «Анонс».
9.35 «Маърифат фидойилари».
9.50, 18.25 «Биласизми?».
9.55, 19.25 Музыка SMS.
10.20 «Ўйларим».
10.30 «Саломат бўлинг».
10.40 «Нима учун?».
11.20 «Репортаж».
11.30, 17.55 «Афиша».
11.50, 13.15 Кино «Громобой».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
20.15 «Мысли вслух».
20.20 «Мисс Марпл». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Иҳтиёдод».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50, 00.55 Кино «Сокровища нации».

SPORT

7.30 "Хабарлар"
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар"
9.10 Мультфильм.
9.25 "Смак".
10.00 "Соғлом оила".
10.30 "Жаҳон спорти юлдузлари".
10.50 Настольный теннис. Суперкубок Европы.
11.30 "Военное дело".
11.50 "Вокруг света".
12.35 - 13.35 Формула-1.
18.00 "Мир детского спорта".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар"
18.50 "Мусиқий тайм".
19.10 "Файзли ошхона".
19.30 Стиль.
19.45 Антракт.
20.00 "На пути к сердцу" (Сериал).
20.50 "Звёздный матч".
21.10 "Спортколлекция".
21.30 "Хабарлар"
21.50 SMS Ринг.
22.20 Еврофутбол.
23.55 "Большие гонки".
00.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЯКШАНБА 28

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Бизнинг кутубхона».
9.00 «Немони излаб». М/ф.
10.40 «Саломатлик сирлари».
11.00 «Заковат».
13.00 «КиноТеатр».
13.25, 14.40 «Амадеус». Бадиий фильм.
15.55 «Қизлар давраси».
17.00 «Интеллектуал ринг».
17.45, 18.10 «Ҳамон ёдимда».
18.30 «Оддий ҳақиқатлар».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.50 «Азизим».
22.20 «Оҳанрабо».
23.00 «Онегин». Бадиий фильм.

YOSHLAR

7.00 Х/ф "Икки дил достони".
8.35 "Ёшлик - бу".
8.40 "Дунё таомлари".
9.00 "Якшанба нонуштаси".
9.20 "Сенини, шошмай тур!".
9.30 "Болалар давраси".
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 "Journal".
11.20 "Акс".
12.00 Х/ф "Ҳақиқий эркаклар ови".
13.10 "Рўзғор мактаби".
13.40 "Ёшлик – бу".
13.45 "SMS-мусиқа".
14.00 "Ишкомли уй". Т/с.
14.45 "Тасанно". Телемусобақа.
15.30 "Чемпион сирлари".
15.50 "Ринг қироллари".
16.30 "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
16.35 "Ватаним!".
16.40 "Якшанба нонуштаси".
17.00 "Уй масаласи".
17.40 "Эверест".
18.20 "Кун тартиби".
18.50 "Бу азиз Ватан - барчамизники!"
18.55 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "SMS-мусиқа".
19.55 "Yoshlar" анкетаси.
20.00 "Тасанно". Телемусобақа.
20.50 "Тараннум".
21.30 "KINOMANIYA".
22.00 Х/ф "Жоним фидо!"
1.00 "Тунги парвоз".

TOSHKENT

7 30 «Салом Тошкент!».
8.35 «Камила». Т/с.
9.05, 12.10, 17.05 «Телекурьер маркет».
9.25 «ТВ юрист».
9.35 «Афиша».
9.45 «Интервью».
9.55 «Биласизми?».
10.00 «Истеъдод».
10.20 Кино «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи».
11.40 Музыка SMS.
12.35 М/ф «История игрушек».
14.00, 21.50 «Мысли вслух».
14.05 Кино «Сокровища нации».
16.15 «Жозиба».
16.40 «Саргузаштлар ороли».
17.25 Кино «Бунга нима дейсиз?».
20.25 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.55 Кинотақдим.
21.20 «Всё о туризме».
22.00, 00.05 «Властелин колец. Две крепости». «Миссия невыполнима 2». «Мумия возвращается».

SPORT

7.30 "Хабарлар"
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар"
9.10 "Рақибингиз гроссмейстер".
9.35 "Пока все дома".
10.25 "Фазенда".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Файзли ошхона".
12.00 "Аптека слушает".
12.25 Концертная программа.
13.20 -14.10 ПрофРИНГ.
18.00 "Мир детского спорта".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Версия".
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм-аут".
20.00 Еврофутбол.
21.30 "Талқин".
22.00 "Ледниковый период".
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Тошкент вилояти фуқаролари диққатига!

2007 йилнинг 23 октябрь куни соат 10.00 дан 17.00 гача Тошкент вилояти Халқ таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг раҳбар ходимлари иштирокида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилади.

Сиз мамлакатда ва вилоят халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволлар билан қуйидаги манзил ва телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Тошкент вилояти барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари.

Мўлжал: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ёки Яккасарой тумани ҳокимияти биноси.

Телефонлар: 55-52-18, 55-39-26.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари телефон рақамлари:

Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими	37066	22-403 26-277
Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими	37091	25-719
Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими	37061	42-050 43-332
Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими	37064	52-541
Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими	37071	51-713
Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими	37060	21-514 22-823
Бекобод тумани халқ таълими бўлими	37093	52-163 52-180
Бўка тумани халқ таълими бўлими	37057	36-940 36-883
Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими	37074	21-834 22-834
Зангиота тумани халқ таълими бўлими	37097	52-771 52-871
Оҳангарон тумани халқ таълими бўлими	37064	52-547 52-219
Пскент тумани халқ таълими бўлими	37054	51-217 51-524
Паркент тумани халқ таълими бўлими	37072	22-092
Тошкент тумани халқ таълими бўлими	37096	56-431 56-435
Оққўрғон тумани халқ таълими бўлими	37055	21-224
Чиноз тумани халқ таълими бўлими	37059	31-532
Ўртачирчиқ тумани халқ таълими бўлими	37076	21-578
Қуйичирчиқ тумани халқ таълими бўлими	37056	72-262
Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими	37098	31-323
Янгийўл тумани халқ таълими бўлими	37058	61-860 61-949
Қибрай тумани халқ таълими бўлими	37095	61-244

"Kapital-Depozit" МЧЖ (ИНН 205707218) ўзининг устав жамғармасини 12 000 000 сўмдан 34 000 000 сўмга кўпайтирганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 281-35-09 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Юнусобод ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Акбарова Лазиза Абдурашидовна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бектемир туманида рўйхатга олинган "TAM SAVDO" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги "ШИФО-МЕҲРИБОНЛИК" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туманидаги "ZAMONAVIY SERVIS" МЧЖ (ОКПО 19594640) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 388-20-36 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Пскент туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йил 23 июнда Жиянов

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ:

ФАРОВОНЛИК — ШУКРОНАЛИКДАДИР

Бугунги дориломон кунларга етишимизнинг машаққатли йўли, боннинг ҳаётимизда тутган ўрни, қадр-қимматини турмушнинг аччиқ-чучугини тотган авлод вакиллари яхши англайдилар. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов шундай табаррук инсонлардан.

– Нонни халқимиз энг улуғ неъматлардан, деб билади. У тинчлик-осойишталик, қут-барака тушунчалари билан уйғунлашиб кетган. Негаки, осмони мусаффо, тинч-тотув ва осойишта юртдагина деҳқонлар дон-дун экиб, мўл-кўл ҳосил олади. Дастурхонлар тўкин, ҳаёт фаровон бўлади. Бир кафт буғдой нонга айланганича қанчадан-қанча одамларнинг меҳнати сарфланади. Тўғри, бошқа экин-тикинлар, масалан, шоли, ғўза, узум каби зироатларни етиштириш ҳам салмоқли меҳнат, вақт, парвариш талаб қилади. Бироқ боннинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти бўлакчадир, – дейди Зикир ака.

Нонни ризқ-рўз, деймиз. Ризқли, насибали, нон каби мўътабар бўлсин, деб гўдак ёстиғи остига кулча қўядилар. Уйга меҳмон келганида дастурхонга аввало нон қўйилишининг сабаби ҳам шунда. "Касб-корли бўлиб, нон топяпти", "Нонини ҳалоллаб еяпти" сингари иборалар бу азиз неъматнинг халқимиз онгига меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби тушунчалар билан ҳамоҳанг тарзда сингиб кетганига ишорадир. Икки ёшнинг оила қуриши "нон синдириш"дек ўзбекона гўзал маросим билан бошланади. Бу бежиз эмас. Сабаби нон миллатимизда инсоф-диёнат, тўғрилик, лафз, имон-эътиқод, поклик тушунчалари каби мўътабардир.

Нон ҳақида гап кетганда, авваламбор, ўтган асрнинг 30-йилларида бошимиздан ўтган қаҳатчилик, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қийинчиликлар кўз ўнгимда гавдаланади. Биз кўрган-кечирган ўша оғир кунлар энди ҳеч кимнинг бошига тушмасин!

Биз ўшанда Чорсунинг Кўнчилик маҳалласида яшар эдик. Бир қўшнимизнинг аҳволи жуда оғир эди. Ўғли қатағонга учраган, келини очликдан вафот этган, невараларини ёлғиз ўзи вояга етказарди. Бир куни уни йўл четидаги деворга суянганча ўтириб қолган ҳолда кўрдим. Тўққиз яшар невараси гўдак укаси билан бувисининг енгидан тортар эди: "Бувижон, совқотдингизми, туринг, уйга кетамиз". Онахонни суяб турғазмоқчи бўлдим. Унинг қўллари муздек – очликдан деворга суянганича ўлиб қолган эдилар.

Ҳам ота-онаси, ҳам бувисидан айрилиб, етим қолган невараларининг мунгли чеҳраси ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди.

Нон ўзбекона бағрикенглик, меҳмондўстлик, саховат ва мурувват тимсоли ҳамдир. Ҳатто ўша қийинчилик даврларида ҳам миллатимиз ўзининг ана шундай улуғ фазилатларини намоён этганини бутун дунё билади. Уруш йиллари юртимизга паноҳ излаб келган қанчадан-қанча етим-есирлар, кексалар, аёллар, болалар билан халқимиз охирги бурда нонини баҳам кўрди, иссиқ уйидан жой берди. "Тошкент – нон шаҳри" деган иборада миллатимизнинг ана шундай энг эзгу фазилатлари, боннинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ёркинроқ намоён бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришилди.

Ушбу сўзлар замирида қанчадан-қанча меҳнату машаққатлар, қийинчиликлар мужассам эканини, таассуфки, ҳаммамиз ҳам теран англаб етавермаймиз. Бугун бозорлардаги тўкинлик, расталардаги ноз-неъматларни кўриб кўз қувонади. Ҳар бир ҳудудда нон ёпишнинг ўз усули, анъанаси бор. Шунданми, хориждан келган меҳмонлар нон олмай уйларига қайтишмайди. Ўзимиз ҳам диёримизнинг қайси шаҳрига бормайлик, албатта ўша жойнинг нонидан олиб келамиз. Айниқса, Самарқанднинг лоладек қип-қизил, бўрсилдоқ нонларининг таърифи етти иқлимга кетган. Шу муқаддас заминда туғилиб, вояга етганингдан Яратганга беадад шукроналар айтасан киши.

Бироқ кўнгилни хижил этадиган айрим жиҳатлар ҳам борки, айтмай иложингиз йўқ. Ҳамон тўйларда, турли тантанаю, маъракаларда ҳаддан зиёд кўп нон ёптириб, исрофгарчиликка йўл қўяётганлар учраб турибди. Баъзан нафақат чет-чақа жойларга, балки чиқинди тўкиладиган жойларга, ариқ ва зовурларга нон бўлаклари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ташлаб кетилганига гувоҳ бўламиз.

Енгил машинанинг кирланган юкхонасига бетартиб уйиб ташланган буханкаларни кўриб, уларнинг нима мақсадда кўп сотиб олинганини англаш қийин эмас. Нонни увол қилма, кўр бўласан, деган гап бежиз айтилмаган. Не заҳматлар билан тайёрланадиган неъматни молга ем ўрнида бериш гуноҳи азим эмасми?!

Отахону онахонларимиз ерга тушган нонни олиб, кўзига суртади. Бунда улуғ ҳикмат – Яратганга берган неъмати учун шукроналик мужассам. Зеро, дунёнинг қайсидир бурчакларида бир бурда нонга зор одамлар бор. Энг ривожланган мамлакатларда ҳам боннинг, ғалланинг нархи кунда-кунора ошиб турганини "ойнаи жаҳон" орқали кўриб, эшитиб, матбуотдан ўқиб турибмиз.

Ҳа, фаровонлик – шукроналикдадир. Бинобарин, бугунги ёруғ ва фаровон кунларнинг қадрига етиб, шукроналар айтиб яшаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

«ЛОЧИН» БУХОРОГА БОРАДИ

Олмалиқ шаҳар марказий ўйингоҳи яна бир муҳим футбол учрашувининг мезбонига айланди. Унда Ўртачирчиқнинг «Лочин» ҳамда Оққўрғоннинг «Акмал» жамоалари вилоят кубогини қўлга киритиш учун майдонга тушишди.

Айтиш мумкинки, ўйин мутахассис ва томошабинлар кутганидан ҳам қизғин тарзда кечди. Биринчи бўлим оққўрғонликларнинг ҳисобни очиши билан ниҳояланди. Танаффусдан сўнг эса «Лочин» тўпурарлари ташаббусни қўлга олишди. Бу жамоанинг бирдамлиги, ҳар бир ўйинчида тактик ва техник тайёргарликнинг етарлилиги сабабли ҳисоб 2:1 га ўзгарди. Бироқ, тўйтепаликлар қўшимча вақтдан оқилона фойдаланиб қолишди. Улар ўйин якунида ҳисобни 3:2 га ўзгартириб, кубок соҳибига айланишди.

Энди футболчиларимиз шу ойнинг охирида Бухорода бўлиб ўтадиган республика кубоги мусобақасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Феруза ТЎРАЕВА.



СУРАТЛАРДА:
мусобақа жараёнидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Биласизми?

Европанинг энг узун дарёси Волга бўлиб, 3531 километрга етади.

* * *

Буюк Хитой деворининг дастлабки узунлиги беш минг километрдан ортиқ, баландлиги 8-10 метр, кенглиги эса 5 метрдан зиёд бўлган. Унинг устида бешта чавандоз бемалол ҳаракатлана олган.

* * *

Малайя архипелагида жойлашган Борнео оролидаги пуман қабиласининг қадим анъаналарига кўра қизлар 3 ёшгача бола дейилади. Тўрт ёшга тўлган қиз эса балоғатга етган ҳисобланади.

* * *

Илк мушуклар кўргазмаси 1895 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган.

* * *

Дунёдаги энг оғир мушук деб Австралиядаги Химми лақабли мушук тан олинган. Унинг оғирлиги 21 килограмм, бел айланаси 84 см бўлган.

Кулганга нима етсин

Кекса полковник армияга янги олинган йигитларни қутлар экан, «ҳаммангиз битта катта оила аъзоси, бинобарин, менга ўғил бўласизлар», деди ва нутқининг сўнгида сўради:

– Гапларимни тушуниб олгандирсизлар?

– Тушуниб олдик, дадажон! – деб баравар жавоб беришди йигитлар.

* * *

– Азизам, агар бойлигим соврилиб битса, мени яхши кўришда давом этармидинг?

– Ҳа, албатта-да. Лекин ўрнинг жуда билиниб турарди.

* * *

Ҳайвонот боғида бир тўрага бўри билан қўзичоқ бирга турган қафасни кўрсатишади.

– Во ажаб! – деб қойил қолади тўра. – Мен бунақасини сира кўрмаган эдим. Қандай қилиб бунга эришдингиз?

– Жуда осон! Биз ҳар куни уч марта қўзичоқни янгилаб турамиз.

Ҳаёт сабоқлари

КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ...

Ботирали қўшни қишлоққа тушган опасининг ўғли Валижонни рўзғорини бўлак қилиб, анча вақтдан буён тижорат билан шуғулланиб юрганини биларди-ю, яқин орада машинасини алмаштирганидан хабари йўқ эди. Хотини кўчадан гап топиб келди:

- Ҳой дадаси, эшитдингизми, Валижон бу гал «катталар» юрадиган машина сотиб олибди. Бирров йўқлаб қўйсангиз, кўнгли тоғдек кўтариларди. Муборак бўлсин дегувчилар эшик турмини бузяпти экан. Сиз тоға бўлиб бормасангиз...

Ботиралига хотининнинг гапи маъқул бўлди. Йўқлаб, уловинг яхши кунларга ярасин, деб қўйса асакаси кетмайди.

Саҳармардонда эски уловини миниб, қишлоққа отланди. Хотини жиянингизга, деб битта банорас тўн билан қўйлакни белбоққа тугиб чиқди. Ўзи йўл-йўлакай ёнига иссиқ обинон қўшиб, ширинлик ҳам харид қилди.

«Валижон, тижорат билан шуғулланиб, ҳарқалай, кам бўлмаяпти. Аввал уй-жойини сирланган сандиқдай безади. Мана энди машинасини янгилаб олибди. Уддабурон чиқди...»

Хаёл билан бўлиб, Ботирали жиянининг дарвозасига етганини билмай қолди. Эски темир дарвоза янгисига алмаштирилибди. Ботирали рангдор бўёқли дарвоза чеккасидаги тугмачани босди.

Ичкаридан ҳадеганда товуш бўлавермагач, Ботирали хижолат бўлди: «Бафуржа нонушта қилиб келсам ҳам бўларкан. Эрта келдим чоғи. Ёки уйда ҳеч ким йўқмикан?»

Яна устма-уст қўнғироқ жиринглади. Бу гал аёл кишининг норози оҳангдаги овози эшитилди: «Ҳозир, кетяпма-ан...» Дарвозага ёндош кичик эшик очилганида Ботирали келинини дарровда танимади. Узун сочлари кесилган, устигаустак бўялганидан жингалак ҳолида ҳурпайиб турарди.

– Ия, сизмидингиз, тоға?

Келин хушламайгина ичкарига бошлади. Ботиралининг кўзи зулукдай қора машинага тушгач, хурсанд бўлди.

– Улов муборак бўлсин, келин, – деди хурсандчилигини яширолмай. – Қани, Валижонни чақиринг, бир дийдорлашайлик. Бу турмуш юмушларидан ортиб, бордикелдини ҳам унутаёздик.

– Қандоқ бўларкин, тоға, ўзлари яқиндагина ётган эдилар. Туну кун қутлуғ бўлсин дегувчиларнинг оёғи узилмай, роса толиқдиларда. Мана бу ўриндиқда ўтира туринг-чи.

Келин шундай деб, истар-истамай, ётоқхонага йўналди.

– Ундай бўлса уйғотманг, келин. Шаҳарга тушганида кўришиб қолармиз. Йўқлаганимни айтиб қўйсангиз бас. Мен қайтай бўлмаса.

– Дарров-а? Шунча йўл босиб келибсиз, бирров айтиб кўрай-чи.

Ботирали шу тобда ўзини ноқулай ҳис этди. Ўзи билан жияни ўртасида оз фурсатда кўзга кўринмас девор пайдо бўлганини, унинг бир томонида ночор ҳаёт кечираётган тоға-ю, бир томонида молу давлат эпкинидан энтикиб, йўқловчилардан зада бўлган жиян турганлигини ҳис этди.

«Келин тушмагур, айвондаги тайёр кўрпачага ҳам таклиф этмади-я. Наҳотки, мол-дунё одамни шунчалик ўзгартириб юборса... Ҳалиҳамон жияним уйдан чиқса, тоғам нега йўлакда ўтирибди, деб хотинини узиб олса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам келин келин экан-да. Жияним Валижон бошқача».

Ичкаридан ювиқсиз, тумтайиб чиққан Валижон тоғасига қайрилиб ҳам қарамади. Жўмракдаги оқиб турган сувда аввал шошилмай ювинди, кейин артинди... Сўнг индамай ичкарига йўналди. Ҳаял ўтмай, пўрим бўлиб кийиниб чиқди. Йўлакда шумшайиб ўтирган Ботиралига кўзи тушгач, ясама жилмайиб деди:

– Э, тоғашка, бормисизлар ўзи. Ер юзида ўрмалаб юрибсизларми?

Қучоқ очган Ботиралининг қўллари шалвираб тушди. Валижон қўлини омонат узатди. Сўнг деди:

– Шошилиб турувдим, тоға! Бошқа келсангиз, бафуржа бир отамлашамиз. Ҳозирча, узр.

– Уловинг муборак бўлсин, деб келиб эдим. Ортиқ юмушим йўқ. Мана буни оз бўлса ҳам, кўп деб қабул қиласан-да.

Ботирали белбоққа тугилган тўн билан қўйлакка ишора кидди.

Валижон тугунга қараб киноялы кулди:

– Э тоға, латта-путта кўтариб юришдан ҳеч чарчамадингиз-да. Раз йўқлаб келибсиз, «кўки»дан олиб келмайсизми? Шуям йўқлов бўлдими?

– «Кўки» деганинг нимаси, жиян. Ахир, кўк азада кийилади. Яхши кунларда кийгин деб банорас тўн ва оқ кўйлак олиб келдим. Мана бу ширинликлар жужуқларга.

Дарвозани очаётган келин шарақлаб кулиб, эрининг пичингига изоҳ берди:

– Оббо, соддагина тоғамей, ким сизни шаҳар кўрган дейди. Жиянингиз йўқловни долларда қилмайсизми, деб ўпкалаяптилар. Ҳозир тўн, кўйлаклар модадан қолганку!

Тоға ташқарида тугунни кўтарганча қотиб турар, қуёш ёғдусида алвон рангда жилоланаётган дарвоза аллақачон ёпилган, ҳалигина тасаввурида пайдо бўлган кўл етмас, кўзга илинмас девор ортидаги жияни аллақачон зулукдай тим қора машинасини елдириб кетган эди...

Собиржон ИНОМОВ.

Инсон ва қонун

КЎНГИЛНИНГ КЕНГ КЎЧАЛАРИДА

... Улар тасодифан учрашдилар. Нигоҳларида зоҳирий бир туйғу акс этди.

– Учрашамизми? – шивирлади йигит. – Сиз менга ёқиб қолдингиз...

Қиз ийманиб ерга боқди. Бу ҳолатни розилик аломати хаёл қилган йигит: – Кейинги ҳафта уйда сумалак бўлади, дугоналарингиз билан келинг, – дея таклиф қилди.

Ойниса (воқеа иштирокчиларининг исм-шарифлари ўзгартирилган) шу кунни интизорлик билан кутди. Шоҳруҳнинг укасига синфдош бўлмиш дугоналари – Фотима, Гавҳар, Нафисалар билан қўшни қишлоққа борди. Сумалак тайёрлаётган хотин-халажга елиб-югуриб ёрдам бераётган кўҳликкина қиз Шоҳруҳнинг онасига ҳам ёқди.

– Ҳали бу уйга келин бўлиб тушмасанг, – ҳазиллашди дугоналари. – Яхшида, ҳозирдан қозон-ўчоққа ўзингни ўргатиб олсанг.

Сумалак баҳона қизлар Шоҳруҳникида қолишди. Эртасига йигит уларни кузатаётиб, Ойнисага: «Иложи бўлса бугун гаплашиб олсак», дея илтижоли боқди.

– Майли, оқшом тушганда, – деди қиз юзлари қизариб.

Кеч кирганда Ойнисанинг мол қўраси ёнида пайдо бўлган Шоҳруҳ атай машина кира қилиб келган эди. Улар шу машинада туман марказига боришди. Узоқ суҳбатлашдилар. Кейин қишлоққа пиёда қайтишди.

– Кечки салқин-да, совқотдингиз. Юринг, маданият саройига кириб, бирпас исиниб оламиз, – деди Шоҳруҳ негадир дир-дир титраётган қизнинг елкасига костюмини ташлаб.

Чироғи ёниқ турган маданият саройининг қоровулхонаси ҳақиқатдан ҳам иссиқ эди.

– Қоровул уйига кетворган шекилли, – деди Шоҳруҳ диванга чўзилиб. – Ахир, унинг ҳам оиласи, хотини бор. У қизнинг қўлидан ушлаб, ўзига тортди. – Келинг, бироз дам оламиз.

Ойниса диван четига омонатгина чўкди.

– Қўрқманг, еб қўймайман, – қучоғига олди қизни. – Менга турмушга чиқишга розисиз-ку!

– Олдин совчи жўнатинг, бу ҳақда кейин гаплашамиз, – қиз ўчоқдаги сўниб бораётган кўмир чўғига тикилди.

Ширин сўзлар, ваъдалар уни йигитга тамоман бўйсундириб қўйди...

– Бу аҳволда уйга боролмайман, – деди қиз тўзиган сочларини бармоқлари билан тараркан пиқиллаб йиғлаб. – Энди нима бўлади?..

– Нима бўларди, тўй-да. Уйингизга бормасангиз бизникига юринг, бирга яшайверамиз.

Бошқа чора йўқлигини билган Ойниса Шоҳруҳнинг орқасидан эргашди.

... Қизининг уйда йўқлигидан ховотирга тушган Ҳакима опа ўғилларини Фотиманикига югуртирди «Дугоналариникида ҳам йўқ», деган жавобни эшитган она шу куни аранг тонг оттирди. Учинчи куни телефон жиринглади:

– Шоҳруҳ билан Тошкентдаман, – дея гўшакни қўйиб қўйди Ойниса. Лекин у Тошкентда эмас, бир қишлоқ нари – Шоҳруҳларнинг уйида эди.

Шоҳруҳ онасига тўй ҳақида сўз очди.

– Тўйга қарши эмасман, – деди Ҳуринисо опа ўғлига ётиғи билан тушунтираркан. – Қиз бир қуш эмаски, тутиб олиб қафасда сақласанг! Ахир, у бировнинг фарзанди, ота-онаси бор...

– Бўлар иш бўлди, – деди Шоҳруҳ. – Қизга уйингга бор, деб юрманг тағин. Энди у шу ерда яшаб туради: то икки томон келишиб олгунларича.

– Хаҳ, болам-ай, – кўзига ёш олди она. – Бу ишинг билан бизни уятга қолдиряпсан...

Ҳакима опа Фотимани қистовга олгач, Ойнисанинг қаердалигини билди-да, йўлга отланди.

– Икки ёш бир-бирини яхши кўришаркан, айланай, – деди Ҳуринисо опа айбдордек асабдан қалтираётган бармоқлари билан дастурхон попугини ўйнаркан. – Энди сингил, ўзингиздан қолар гап йўқ, ниятимиз икки ёшнинг тўйини қилиш. Фақат сиздан битта илтимос, орган-порганга хабар қилиб юрмасангиз.

– Майли, нима ҳам қилардик, – деди Ҳакима опа узоқ сукутдан сўнг. – Тўй бўлса... Маслаҳатлашиб кўрармиз. Фақат битта шартим бор, қизимни ҳозир олиб кетаман. Тўйгача уйда бўлади.

... Икки хонадон ўртасидаги низо шундан кейин бошланди. «Қараб турсин ҳали, зўравон, бебош ўғлини қамоқда чиритмасам!» Шу важоҳат билан уйига қайтган Ҳакима опа қизига дўқ урди: «Терговда зўрлади, хўрлади деб айтасан!»

Эртасига шу мазмундаги айблов билан милицияга олиб кетилган Шоҳруҳ тергов жараёнида содир бўлган воқеага ўзи айбдорлигини тан олди.

Хўш, Шоҳруҳ Раҳимов ким ўзи? У Бўка туманида туғилган ва шу ерда яшаб, мактабни тамомлагач, бирон ерда ўқимаган ёхуд бирон ҳунарнинг этагидан тутмаган 20 ёшли йигит. 19 ёш остонасида жиноят содир этди. Синов муддати тугамай, иккинчи жиноятга қўл урди. Натижада иш жараёнини кўриб чиққан туман суди янги ҳукм бўйича берилган жазога қўшимча ҳолда, узил-кесил ўташ учун Ш. Раҳимовни 7 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ, Бўка тумани прокурори.

Рассом хандаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Частный предприниматель "Усмонов С.А." (ЧП "Усмонов С.А."), зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Юнусабадский район, 19-квартал, д. 20, кв. 68 (ИНН 462489582) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по телефону: 222-43-21.

Утерянный вкладыш диплома М № 017418, выданный в 2005 году Университетом мировой экономики и дипломатии на имя Рахматова Улугбека Эльбобоевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ДП "KABZ QURILISH SERVIS" создано учредителем – Правлением объединения Инвалидов "NAJOT YO`LI", регистрационное № 000617 от 25.04.2005 г., по адресу: 100091, г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Тал-Арык, 40, ИНН 205627705. Согласно протокола № 20 от 27.09.2006 г. "NAJOT YO`LI" принято решение о добровольной ликвидации в связи с нерентабельностью. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 298-44-94.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 11 октябрдаги йиғилиш қарорига асосан Олмалиқ шаҳар 1-сонли давлат нотариал идора катта нотариуси Доно Ахматовна Хайдаровага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 10 августда берилган TS 000003 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими уруш ва меҳнат фахрийси **Ҳожимурод УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 3619. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 6